2001 ЙИЛ 21 декабр, ЖУМА

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 152 (6.365).Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

БАҲОР ЯХШИ КЕЛСИН...

Зиёдулла Турсунов бу йилги мавсумда гектаридан 40 центнердан ғалла ҳосили олишга эришибди. У неча ойлаб қилинган машаққатли меҳнатлари зое кетмаганидан хурсанд. Зеро, режадан ортиқ етиштирилган 4 тонна буғдойни омборига тўкибди. У келгуси йил янада кўпроқ ҳосил олишига ишонади.

(1-2-саҳифаларда)

ҚИШЛОВ – СИНОВ ДЕГАНИ

Мақсад ҳамонки чорва бош сонини яна ҳам кўпайтириш, насл ишларини яхшилаб, тармоқни фойдали соҳага айлантириш экан, бу борадаги фаолиятни тубдан жонлантирмоқ лозим. Ана ўшанда барча ишлар амалда рўёбга чиқади.

(1-2-саҳифаларда)

ИЗТИРОБ

Ташқари намчил ва совуқ... Шоирга ҳаво етишмасди. Катта идорадан равон йўлга чиққунга қадар нафаси қисди. Бўғилди. Оёғидан мадори кетди. У бекатдаги ўриндиққа зўрға етиб келди. Оғир чўкди. Асаби зўриққанидан қўллари қалтирай бошлади. Афтода бир ҳолда чўнтакларини титкилаб сигарет қутисини топди.

(4-саҳифада)

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ

Президент Ислом Каримовнинг Шўртан газ-кимё мажмуи очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам қурилиш иштирокчилари!

Энг аввало, яқинлашиб келаётган Янги йил байрами арафасида Сиз муҳтарам Қашқадарё аҳлини, Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилаётган ушбу тантанали маросимга ташриф буюрган меҳмонларимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдирмоқчиман.

Бугун нафақат Қашқадарё вилоятида, балки бутун юртимизда ҳақиқатан ҳам катта тўй, катта тантана, десак, хато бўлмайди.

Ҳеч шубҳа йўкки, дунёда камдан-кам барпо этилган, керак бўлса, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган, жаҳондаги энг замонавий технология ва техник ускуналар билан жиҳозланган мана шундай улкан мажмуанинг ишга тушиши наинки Қашқадарё воҳаси саломатлиги, айни пайтда бутун мамлакатимизнинг индустрия қудратини янги босқичларга кўтаришга беқиёс ҳисса қўшади.

Шунинг учун бу корхонанинг фойдаланишга топширилиши шу юртда яшайдиган, уни жону дилидан севадиган барча инсонлар учун катта байрам, ҳаммамиз учун ғурур ва ифтихор бағишлайдиган воқеа, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Қадрли дўстлар!

Бугун ушбу саноат мажмуининг дунёга келиш тарихи тўғрисида гапирар эканмиз, мана шу кунларга етиш учун босиб ўтган йўлимиз, яқин ўтмишимизнинг баъзи саҳифалари хусусида қисқача тўхталиб ўтсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, Оллоҳ таолонинг марҳамати билан она диёримиз беҳисоб табиий бойликларга макон экани ҳақида гапириш ўринлидир. Қашқадарёнинг мўътабар замини **ўзининг ноёб бойликлари**, шу жумладан, биринчи навбатда, нефть ва газ каби қимматбаҳо хомашёларнинг улкан захиралари билан дунёга машҳурдир.

Бунинг тасдиғини бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг эса 92 фоизи Қашқадарё ҳудудидан қазиб олинаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Мен «ноёб бойликлар» деб бежиз айтаётганим йўқ. Бу иборанинг чуқур маъноси бор.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ер қуррасида нефть ва газ конлари жуда кўп. Лекин, таркибида **этан моддаси сероб бўлган газ манбалари** дунёда ғоят кам учрайди.

Бугунги кунда жаҳон саноати янги технологиялар, янги ишлаб чиқариш усулларига ўтаётган бир пайтда этан моддаси кўп-кўп кимёвий маҳсулотлар олиш учун, полимер ва пластмасса тайёрлаш учун асосий хомашё ҳисобланади.

Ана шундай ўта ноёб хомашё манбаларидан бири айнан Қашқадарё воҳасида, Шўртан заминида жойлашгани табиатнинг бизга ато этган бебаҳо инъоми, десак, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Қадрли биродарлар!

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда мен беихтиёр Қашқадарё вилоятида ўтган, ҳаётимнинг сермазмун бир қисми бўлиб қолган унутилмас йилларни эслаб турибман.

Ўша пайтларда мана шу заминда вилоят аҳли билан учрашганимиз, улар билан биргa Қашқадарёнинг бойлиги, унинг келажаги ҳақида, эртанги иқтисодий қудрати ҳақида жуда катта ҳавас билан орзу-умидлар қилганимиз бугунгидек ёдимда.

Мен ўша вақтда айтган бир гапимни ҳозир яна такрорламоқчиман. Яъни, **Ватанимизнинг бетакрор ўлкаси бўлган, ўзида қанча-қанча мўъжизаларни мужассам этган Қашқадарё замини ҳали тўла очилмаган бир хазинадир.**

Бу хазинанинг калити унинг ҳақиқий эгаси бўлмиш мана шу халқнинг қўлида, ҳали шу хазинани очадиган, ундан баҳраманд бўладиган кунлар келади, иншооллоҳ, деб айтган сўзларимни яхши эслайман.

Бу гаплар эндиликда ўтмишга айланган собиқ иттифоқ даврида бўлган эди. У замонда биз мана шундай буюк иншоотлар қуришни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос.

Лекин шу замин қаъридаги бойликларни ишга солиш, улардан шу юртда яшайдиган одамларнинг ҳаётини фаровон қилиш учун фойдаланиш имкони йўқ эди.

Ҳозир ўша даврларни одам худдики ёмон бир тушдек эслайди. У пайтларда Бухоронинг гази, мана шу Қашқадарёнинг гази «Бухоро -Урал», «Ўрта Осиё - Марказ» деган катта-катта қувурлар орқали собиқ иттифоқнинг турли жойларига кетарди-ю, аммо шу газ конларининг атрофида яшайдиган аҳоли ундан бебаҳра, таъбир жоиз бўлса, дарёнинг ёқасида сувга ташна бўлиб яшар эди.

Одамга қаттиқ таъсир қиладиган, ҳеч ақлга сиғмайдиган ҳолат шундан иборат эдики, ана шу улкан қувурлар Қашқадарё қишлоқларини оралаб ўтгани ҳолда, бу ерларда яшайдиган кишилар томга бостириб қўйган ғўзапоя билан ўчоқ ёқиб тирикчилик қилгани ҳали-бери менинг кўз олдимда турибди.

Шу муносабат билан хотирамда сақланиб қолган бир рақамни айтиб ўтмоқчиман. Ишонасизми-йўқми, ўша пайтда Қашқадарё воҳаси қишлоқларининг атиги 4 фоизи газлаштирилган эди, холос.

Ҳақиқатан ҳам, ўша замонларда Қашқадарёга келиб, мана шундай манзараларни ўз кўзи билан кўрган одам ноинсофлик, адолат бузилиши қай даражага етганини англаб олиши муқаррар эди.

Агар бугун ҳам орамизда эски замонни қўмсайдиган баъзи кишилар бўлса, ўйлайманки, улар, аввало, мана шундай мисолларнинг мағзини чақиши, шу ерда яшаган инсонларнинг, барча юртдошларимизнинг қадр-қимматини камситиш ва менсимаслик қандай авж олганини бир эслаши керак.

Шунинг учун мен бир фикрни яна такроран айтмоқчиман.

Биз фақатгина истиқлолимиз, мустақиллигимиз шарофати билан ўз еримиз, ўз тақдиримизнинг чинакам эгаси бўлдик, ўз бойликларимизни ўзимиз тасарруф этиш имконига эришдик.

Мана шу бепоён саҳро бағрида, Қашқадарё воҳасидаги чўлу биёбонларда яшаб ўтган не-не аждодларимизнинг асрий орзу-умидлари рўёбга чиқаётганини кўриб турган бугунги авлод бу заминнинг бор саховати, беқиёс бойлиги юртимиз, халқимиз манфаати учун хизмат қилаётганига гувоҳ бўлмоқда.

Халқимизнинг азму шижоати, ақл-заковати билан Ғузор даштларида қад ростлаган Шўртан газ-кимё мажмуининг муҳташам иншоотлари ҳам ана шу ҳақиқатнинг яна бир ёрқин далилидир, деб фахру ғурур билан айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишида амалга оширилган ишлар кўламини ўзимизга аниқ тасаввур этиш учун баъзи бир рақамларни келтириб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда уч ярим йил мобайнида 150 гектардан зиёд майдонда ҳар куни бир ярим мингдан ошиқ оғир техника, 7 ярим мингдан ортиқ ишчи ва мутахассис ишлаганини, корхонанинг технологик асосини барпо этиш учун 657 миллионга яқин, инфратузилмалар учун эса 328 миллион, жами бўлиб 985 миллион - салкам 1 миллиард АҚШ долларига тенг иш ҳажми бажарилганини инобатга олсак, бу улкан қурилишнинг ҳақиқий миқёси ва манзараси кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.

Ўзингизга бир тасаввур қилинг: қурилиш учун зарур бўлган тўрт ярим минг тоннадан зиёд металл қурилмалар, катта ҳажм, катта габаритдаги кўплаб нозик ускуна ва материаллар дунёнинг турли давлат ва минтақалари орқали қанча-қанча қийинчиликлар билан Қашқадарё воҳасига олиб келингани, бу ускуна ва технологияларни жорий қилишда пайдо бўлган ўткир муаммоларни ечишда ғоят мураккаб қарорлар қабул қилишга тўғри келганини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу иншоотнинг қандай машаққатли меҳнат натижасида барпо этилганини чуқур англашимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

20 декабр куни Қашқадарё вилоятида Шўртан газ-кимё мажмуининг халқаро тақдимоти бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, мажмуани барпо қилишга ҳисса қўшган хорижий компаниялар, қурилиш ташкилотлари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Уни Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов очди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари яқинлашиб келаётган Янги йил байрами ва Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан барчани самимий қутлар экан, бу улкан воқеа нафақат Қашқадарё вилоятида, балки бутун юртимизда катта тўй, тантана эканини алоҳида таъкидлади ва ана шундай бунёдкорлик ишига бош қўшганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Қашқадарё замини табиий фойдали қазилмаларга, айниқса, газ ва нефтга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимизда қазиб олинадиган газнинг 88 фоизи, нефтнинг 92 фоизи айнан шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ўзига хос дадиллик билан қабул қилган қарорлари ва уларнинг изчиллик билан амалга оширилишига хорижлик ишбилармон ва сиёсатчилар ҳам тан бериб келмоқда. Хусусан, Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш тўғрисидаги қарор ҳам ана шундай дадил ва изчил сиёсатнинг ёрқин намунасидир.

Шўртандаги мажмуанинг МДҲда муқобили йўқ. Ишлаб чиқариш иншоотларининг ўзигина 150 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Мазкур лойиҳа технологик қисмининг баҳоси 656,6 миллион АҚШ долларига тенгдир. Бундан ташқари, бу ҳудуддаги инфратузилмани барпо этишга 326 миллион долларлик маблағ сарфланган.

1998 йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ҳамда АҚШнинг «Эй-Би-Би Луммус Глобал», Италиянинг «Эй-Би-Би Соуми», Японияннинг «Нисшо Иваи», «Мицуи» ва «Тойо Инжиниринг» компанияларидан иборат халқаро консорциум ўртасида корхонани лойиҳалаштириш, ускуналар етказиб бериш, қурилиш борасида шартнома имзоланганди. Лойиҳани амалга оширишда АҚШ, Германия, Япония, Италия, Канада, Жанубий Корея, Россия каби давлатлар компаниялари иштирок этди. Уни молиялаштириш АҚШ ва Японияннинг Экспорт-импорт банклари, Германияннинг «Гермес» кредит агентлиги, АҚШнинг «Чейз Манхеттен», Германияннинг «Коммерцбанк» банклари томонидан амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу корхонанинг бунёд этилиши самарали халқаро ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Бундан бир неча йил илгари Ғузор туманидаги мазкур ҳудуд яйдоқ сахродан иборат эди. Халқимизга хос бунёдкорлик, Президентимизнинг узоқни кўзлаб, пухта ўйлаб иш тутиши самараси ўлароқ бугунги кунда бу ерда улкан саноат корхонаси билан бир қаторда барчанинг ҳавасини келтирадиган, инфратузилмаси жиҳатидан йирик шаҳарлар билан беллашадиган мўъжаз шаҳарча бунёд этилди. Унинг ўз сунъий кўли ҳам бор. Бу ерда умумий майдони 320 гектарни ташкил этадиган яшил боғ барпо этиляпти.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши мамлакатимиз саноатининг янада барқ уриб ривожланиши учун улкан имконият яратади.

(Давоми 2-бетда)

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Республика кўчмас мулк биржасининг Қашқадарё вилоят филиалида «Каршипарранда» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кимошди савдосига қўйилди.

● Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси - ЮНИСЕФнинг «Ўтиш даврининг ўн йили» минтақавий-таҳлилий маърузаси тақдимоти бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш, халқ таълими вазирликлари, нодавлат ташкилотлар вакиллари қатнашди.

● Қоракўл туманида кураш мактаби иш бошлади. Унга 100 нафар ўқувчи қабул қилинди. Сирдарё вилоятида «Гулистон Давлат университети ахборотномаси» номли журналнинг биринчи сони нашрдан чиқди.

● Жиззахда ўтаётган бокс бўйича Ўзбекистон Республикаси Х чемпионати ҳал қилувчи босқичга кирди. 19 декабр куни ярим финал мусобақалари ўтказилиб, 12 та вазн тоифасидаги жуфтликлар аниқланди.

● Икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги умумхалқ референдумини ўтказишга Фарғона вилоятида қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айни кунда Референдум ўтказувчи Фарғона округ комиссияси раиси ва унинг ўринбосарлари сайланиб, вазифалар белгилаб олинди.

● Самарқанддаги «8 март» акциядорлик жамиятида жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 850 миллион сўмлик кийим-кечак трикотаж маҳсулотлари тайёрланди.

● Жиззах шаҳридаги «Хотира ва қадрлаш» майдонида Ватан ҳимоячилари куни олдидан оммавий ватанпарварлик олийги ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Амударё туманида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти пахта саноати ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ: КИМГА ҚАНАҚА?

Барчамиз истеъмолчимиз. Ва бу борада барчамизнинг – ёш, жинс, миллат, дин, лавозимдан қатъи назар - ҳуқуқларимиз тенг. Лекин, истеъмолчи сифатида қонун билан кафолатланган ҳуқуқларимизни биламизми?

Уларни амалда қўллай оляпмизми? Ниҳоят, айрим кимсаларнинг кўра-била туриб манфаатларимизга ғов бўлаётганига, аввало, ким сабабчи бўлаётганлигини тушуниб етдикми?

Муболаға эмас-у, ҳар қадамда салобати билан бир-биридан қолишмайдиган хусусий дўконларга дуч келамиз. Уларнинг ичига кириб ҳайрат ва завқ туямиз. Ана тўкинчилигу харидорларга юқори даражада намунали хизмат!

Чиройли, бежирим қадоқланган, аксарияти хориждан келтирилган турфа маҳсулотлардан харид қиламиз. Пулни сотувчига узатамиз-да, хариди, уйга шошада сотувчидан харидимизни кўтамиз. Айни шу дамрид қилган маҳсулотимиз чекини сўраш хаёлга ҳам келмайди. Қандайдир андишага бориб, бунга ботина олмаймиз. Агар инсофлиси харид чекини узатса, эшикдан чиқар-чиқмас улоқтирамиз.

ТАҲЛИЛ

Аслида худди шу хатти-ҳаракатимиз ўз манфаатимизга ўзимиз зиён етказаётганимиз, истеъмолчи ҳуқуқлари оёқости қилинишига ўзимиз йўл очиб бераётганимиздан далолатмасми? Ваҳоланки, бу каби ҳолатларга деярли ҳар куни дуч келамиз.

Сотиб олганимиз маҳсулот истеъмолга яроқлими, соғлиққа зарар қилмайдими, кафолати борми? Бу ҳақда фақат "тўйдан кейин ноғора чалиб" қолаверамиз.

Хўш, аксариятимизда ҳали ҳуқуқий маданият тўла шаклланмагани боис энг оддий зарурат – истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишни билмаётган эканмиз, бу масала билан шуғулланаётган бирор ташкилот ё муассасага мурожаат этганмизми?

(Давоми 2-бетда)

ТААССУФ

ҚИШДАН ҚАНДАЙ ЧИҚАСИЗ?

Бу йил бир жиҳат эътиборни кўп тортди. Ёз давомида ва кузда ғўза парваришига пахта йиғим-терининг боришига ҳамда ғалла экишга бағишлаб Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган сим орқали кенгашларда, турли йиғинларда долзарб вазифалар қаторида чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш хусусида ҳам доимий гап борди.

Бундан шу нарсани англадикки, чорва жойларда туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари учун ҳеч қачон иккинчи ўринда турадиган вазифа бўлиб қолмайди. У пилла, ғалла ва пахта сингари муҳим соҳа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тармоқдаги олиб борилаётган барча ишлар ҳукумат раҳбарлари эътиборида турибди. Чунки чорвачилик айни вақтда кўплаб хўжаликларда мўмай даромад келтираётган соҳага айланиб бормоқда. Ундан тушаётган фойда бошқа тармоқлар ривожини ҳам таъминламоқда.

Шундай экан, хўш, жойларда бугун чорва қишлови қандай ўтмоқда? Яқинда мана шундай савол билан Сайхунобод туманида бўлдик. Шуни айтиш керакки, ўтган давр мобайнида туманда мазкур соҳага бўлган эътибор бир қадар кучайтирилибди. Буни давлатга гўшт ва сут сотишнинг аввалги йилларга нисбатан анча кўпайганлигидан ҳам билиш мумкин. Шу билан бир қаторда қорамоллар бош сонининг ва бузоқ олишнинг ҳам ўсиб бораётганлиги ижобий ишлардан ҳисобланади.

Туман ҳокимлиги соҳани ривожлантириш юзасидан алоҳида тадбирлар ишлаб чиқиб, жойларда унинг бажарилишини назорат қилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, ҳамма хўжаликларда ҳам бу борадаги ишларни рисоладагидай бормоқда, деб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)

ЁМҒИР ЁҚҚАНИ ЯХШИ...

Чироқчи туманидаги "Чиял" ширкат хўжалиги ғаллачилик соҳасида нафақат вилоятда, балки республикамиз бўйича ҳам маълуму машҳур. Хўжаликнинг бепоён далаларида бир вақтлар бир неча ўн минглаб тонна лалми дон етиштирилар эди.

Қурғоқчилик туфайли кейинги бир-икки йилда бу борада кўзланган мақсадларга эришилмади. Аммо хўжалик ғаллакорлари бундан заррача тушкунликка тушишгани йўқ. Улар жорий йилда ҳам бир неча минг гектар майдонга эзгу ният ила уруғ қадашган. Айни пайтда майсалар ривожи кўнгилдагидек. Далаларга белгиланган агротехника қоидалари асосида ишлов берилиб, экинлар етарлича озиқлантириляпти. Айниқса, кейинги вақтларда сувли ғалла майдонларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги диққатга сазовор.

МАВСУМ

-Ҳозирги кунда далага чиққан одамнинг баҳри-дили очилади, - дейди хўжалик раҳбари Норбой Элмуродов. - Атроф кўм-кўк, майса тиззага уради. Одамларимиз ишлаб чарчашмайди. Кимки керак бўлса даладан топасиз. Ўзим ҳам улар билан биргаман, идорага камдан-кам келаман.

Раиснинг бирга дала айланиш ҳақидаги таклифи биз учун ҳам айни муддао бўлди. Дарҳақиқат, "Чиял" далаларида бир текис унган майсалар бахмалдек товланиб турибди. Бундай ажиб манзарани кўриб, ҳозир айни қиш кунлари эканлигига ишонгинг ҳам келмайди. Ям-яшил майсалар баҳорни эслатади.

-Сиз кўриб турган майдон Зиёдулла Турсуновга тегишли, - деди хўжалик раҳбари сўзини давом эттириб. – Ижарачимиз ҳам шу ерда экан, ана келяпти...

(Давоми 2-бетда)

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

РАЖАБОЙ АЯНИНГ РАЙҲОНЛАРИ

Сўлим чорвоқдан чоғроқкина ҳовлига кириб боришингиз билан кўзингиз офтобрўяда муштдеккина бўлиб ўтирган нуроний кампирга тушади.

Зеро, у орзуга айланиб қолган бош эгасини олтмиш йилдирки, шу ерда ўтириб кутади, гўё. Узоқ йилларнинг ташвишлари, йўқотишу изтироблари қоғоздек ғижимлаб ташлаган юзларига боқкан кишининг кўзи қўр остида йилтираётган чўғни эслатадиган икки чашмни илғайди.

Момо олис тарихнинг амир Абдулаҳадхон-у Олимхонлар даврининг жонли гувоҳи. Оқ подшо-ю, қизил босқинчилар зулмларини ўз бошидан кечирган "Сўфидеҳқон"ликларнинг энг ёши улуғи, энг нуронийси. Ҳамма момони суюб ардоқлаб "Оппоқ буви" деб чақиришади.

-Оппоқ буви, Сизни зиёрат қилгани келдик меҳмонлар билан, - дейди "Сўфидеҳқон" қишлоқ маҳалла қўмитаси раиси Ҳасан Ризаев овозини хиёл кўтариб.

Қария миннатдорчилик билан, кўм-кўк томирлари бўртиб чиққан қўлларини кўксига қўяди. Бу табаррук қўлларнинг асрий меҳнатлари, сарфлаган куч-қувватини жамласа, эҳтимолки тоғни урса талқон этиш мумкин бўлар, деган фикрлар кечади хаёлимиздан.

-Бувижон, ўтмишдаги қайси воқеаларни яхши эслай оласиз? – сўраймиз қариядан.

Ражаб буви Аҳмедова ҳамроҳларимизга савол назари билан қарайдилар.

-Қулоқлари сал оғирроқ, баландроқ гапиринг! – дейди Қипчоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Усмон Қурбонов. – Кўрган-билганларингиздан гапириб беринг деяптилар.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

МЕҲНАТГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

АМУДАРЁ ҲАЗАРГА ҚУЙИЛГАНМИ?

"ПОЙГАЧИ"

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ФАХРИ

(Боши 1-бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу мажмуада жаҳон технологиялар бозорида ном қозонган энг машҳур фирма ва компаниялар нинг илғор илмий ишланмалари асосида ишлаб чиқаришнинг юксак даражада автоматлаштирилган тизими жорий этилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши том маънодаги самарали халқаро ҳамкорлик натижаси бўлди.

Янги аср мўъжизаси деб аташга муносиб бу улкан лойиҳани амалга оширишда Америка Қўшма Штатларининг «Эй-Би-Би Луммус Глобал», «Хонивелл», Германиянинг «Фишер», «Эрмафа», «Т плюс Г», Японияниг «Мицуи», «Нисшо Иваи», «Тойо Инжиниринг», Франциянинг Нефть институти, «Ипедекс», Канаданинг «Нова Кемикалз», Италиянинг «Ренко», Россиянинг «Союзвнештранс», «ВНИИГАЗ» ва бошқа кўп-кўп хорижий фирма ва компаниялар ҳам салмоқли ҳисса қўшгани фикримизнинг тасдиғидир.

Бу нодир иншоотни барпо этишда Америка Қўшма Штатларининг «Эксимбанк», «Чейз Манхеттен Банк», Германиянинг «Коммерцбанк», Японияниг «Эксимбанк», Франциянинг «Париба» каби энг йирик ва нуфузли банклари, «Гермес» суғурта агентлиги ўз сармоялари билан иштирок этгани айниқса диққатга сазовор.

Мен бугун мана шундай ўта замонавий корхонани қуришда бизнинг муҳандис ва ишчи-хизматчиларимиз билан елкадош бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилган, бугунги маросимда қатнашиб, қувончимизга шерик бўлаётган хорижий ҳамкорларимизнинг вакилларига, улар орқали шу қурилишда иштирок этган барча чет эл компания ва фирмалари, банкларининг раҳбар ва мутахассисларига алоҳида ташаккур билдираман.

Шулар қаторида бугунги тантаналарда қатнашаётган Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Италия давлатларининг элчилари, Япония элчихонаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки вакилларига ўзимнинг алоҳида ҳурматимни изҳор этаман.

Шунингдек, кечани кеча, кундузни кундуз демай фидойилик кўрсатган «Ўзнефтгазқурилиш», «Ўзмонтажмахсусқурилиш», «Қашқадарёқурилиш», «Қаршисаноатуйжойқурилиш» каби ўнлаб пудратчи ташкилотларнинг ишчи ва муҳандисларига, монтажчи ва лойиҳачиларига, барча мутасадди раҳбарларга ҳам самимий миннатдорлигимни билдираман.

Айниқса, бу қурилишда юзлаб навқирон йигитларимиз ўзининг ёшлик шижоати, бекиёс билим ва маҳоратини намоён этиб, дунёнинг энг илғор мамлакатларида малака ошириб, ўта мураккаб замонавий технологияларни қисқа фурсатда пухта эгаллаб олгани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Аминманки, бундай ватанпарвар ёшларга, бундай бунёдкор авлодга эга бўлган миллат ва халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Шўртан газ-кимё мажмуи нафақат Қашқадарё заминида, балки юртимизнинг бошқа минтақа ва ҳудудларида ҳам янги-янги ишлаб чиқариш тармоқларининг вужудга келиши ва ривожланиши учун шароит яратади.

Содда қилиб айтганда, ушбу мажмуа замонавий корхона ва технологиялар, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун, қанчаданқанча одамларга янги иш ўринлари очиб бериш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, бу улкан корхона мамлакатимиз саноати билан бирга узоқ-яқиндаги иқтисодий шерикларимиз учун ҳам ниҳоятда зарур бўлган полиэтилен хомашёси, плёнка, суюлтирилган газ, сув ва газ қувурлари, бошқа кўплаб техник ускуналар, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариб, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

Янги мажмуада меҳнат қиладиган ишчи ва хизматчилар учун муносиб шарт-шароит яратиш, корхона билан бирга тегишли инфратузилмалар бунёд этиш мақсадида ҳам катта ишлар амалга оширилгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши биламизки, Қашқадарёнинг жазирама иссиғи, қаҳратон совуғи, чўл шамолларида яшаб, меҳнат қилиш осон эмас. Шунинг учун бу ерда барпо этилган мана шу ишчилар шаҳарчаси энг замонавий талаблар асосида, ҳар жиҳатдан кўркам ва қулай этиб қурилди.

Мен Шўртанда бошлаган бунёдкорлик ишларимиз давом этишига, эртага бу жойда яна янги-янги кўчалар, боғроғлар, хиёбонлар қад ростлашига, шу кичик шаҳарчанинг гуллаб-яшнаб, катта ва гўзал бир шаҳарга айланишига ишонаман.

Мана шундай эзгу истак ва режаларимизнинг амалга ошишида Толлимаржон ГРЭСи ва сув омборининг меҳнат жамоалари, вилоят Ўрмон хўжалиги ишчи-хизматчилари ҳам муносиб ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

Кўп қийинчиликларда тобланган мард ва танти Қашқадарё элининг ғайрат-шижоати, пешона тери билан бу ерлар юртимизнинг энг файзли ва тароватли масканларидан бири бўлиб қолишига асло шубҳам йўқ.

Азиз ҳамюртларим!

Бундай улкан корхонанинг Янги йил байрами арафасида ишга туширилаётгани кириб келаётган 2002 йилнинг юртимиз учун баракали бўлишига яхши бир далолат, мустаҳкам пойдевор, десак, муболаға бўлмайди.

Барчангизни бугунги улуғ иш, яъни Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини якунига етказганингиз билан ва кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан яна бир бор самимий табриклайман.

Иқтисодиётимиз, бутун мамлакатимизнинг фахри бўлиб қоладиган шу буюк иншоотни барпо этишда қатнашган сиз азизларнинг қўлларингиз дард кўрмасин, бошларингиз омон бўлсин.

Олижаноб ишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

(Боши 1-бетда)

Корхонада йилига 125 минг тонна полиэтилен, дунё бозорида харидоргир бўлган 137 минг тонна суюлтирилган газ, 130 минг тонна енгил конденсат, 4,2 миллиард метр куб газ маҳсулоти ва тўрт минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, мажмуа саноатимиздаги ишлаб чиқаришда катализатор бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда пахта саноати, пластмасса, плёнка, кабел тайёрлаш, қадоқлашда ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кескин ўсишига олиб келади.

Шунингдек, Шўртан газ-кимё мажмуининг ишга туширилиши юртимизда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ҳам янада ривожланишини таъминлайди. Ҳозирданоқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари бу корхона маҳсулотларига катта қизиқиш билан қараётгани бежиз эмас.

Дунёда таркибида этан бўлган газ конлари бармоқ билан саноқли бўлиб, уларнинг бири айнан Шўртанда жойлашган. Мажмуанинг ишга туширилиши бу ноёб фойдали қазилмани хомашё сифатида арзон-гаровга сотмасдан уни тайёр маҳсулотга айлантириб, ички ва ташқи бозорга чиқаришни таъминлайди.

Бундай ноёб иншоотни ишга туширишда ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Корхона қурилишида етакчи ўрин тутган АҚШнинг «Эй-Би-Би Луммус Глобал» компанияси катта вице-президенти Рон Ле Брайт тақдимот маросимида таъкидлаганидек, бу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, Президент Ислом Каримовнинг бевосита кўмаги, Ўзбекистондаги тинч ва осойишта ҳаёт, қолаверса, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит самарасидир.

Мазкур саноат гигантининг бунёд этилиши ўзбек йигит-қизлари нафақат шундай улкан иншоотни қуриш, балки унинг ҳар қандай нозик технологик жараёнларини бошқаришга ҳам қодир эканини яна бир бор яққол намоён этди.

Собиқ иттифоқ даврида Қашқадарёнинг бор-йўғи тўрт фоиз аҳолиси табиий газдан фойдаланарди. Ҳолбуки, бу бойлик ўша вақтларда ўзга юртларга сув текинга ташиб кетиларди. Давлатимиз раҳбари бу далилларни келтирар экан, мамлакатимиз ёшлари тарих сабоқларидан самарали фойдаланиб, унинг қадрига етиши лозимлигини алоҳида қайд этди.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг тақдимот маросимидан сўнг ўтказган матбуот анжуманида айтган фикрини келтириш ўринли бўлади: Шўртан газ-кимё мажмуи халқимиз, Ватанимиз манфаатларига хизмат қилади.

Анвар КАРИМОВ,
Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбирлари.

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

АФҒОНИСТОНГА БРИТАНИЯЛИКЛАР КЕЛИШМОҚДА

Британия Мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, эртага мамлакат қуролли кучларига қарашли 100 кишилик ҳарбий бўлинма Афғонистонга юборилади.

Улар БМТ томонидан Афғонистонга барқарорликни таъминлаш мақсадида юборилаётган 5000 кишилик тинчликпарвар кучларнинг биринчи гуруҳи ҳисобланадилар. Шунингдек, вақтинчалик бошқарувга раҳбарлик қилаётган Ҳамид Карзай ҳам ушбу ҳаракатни қўллаб-қувватлаб, халқаро қўшинлар мамлакат ўзининг хавфсизлик кучларини тузишига қадар фаолият кўрсатишларини айтди.

БУШ МЎЛЖАЛИДАГИ ПУЛНИ ОЛОЛМАДИ

АҚШ сенати вакиллари ҳамда конгресс вакиллари палатасининг биргаликдаги комиссияси 2002 йилда мамлакат мудофаасини яхшилаш учун 318 миллиард АҚШ доллари ажратилишига розилик берди.

Ушбу сумма ўтган йилгидан 27 миллиард кўп бўлиб, лекин президент Буш сўраганидан 1,9 миллиард камдир. Мазкур маблағнинг бир қисми ҳарбийлар маошини оширишга ажратилса, 7,9 миллиарди эса Ракета Ҳужумидан Мудофаа борасидаги миллий дастурни амалга оширишга сарфланади. Шунингдек, бу маблағлар ҳисобидан 100 та "Боинг-767" самолётлари ҳам янада замонавийлаштирилади.

"ХАМАС" БЎЛИМЛАРИ ЁПИЛМОҚДА

Фаластин раҳбари Ёсир Арофат "ХАМАС" ҳаракатининг Ғазо минтақасидаги 6 та бўлимини ёпишга буйруқ берди. Маълум бўлишича, мазкур бўлимлар ёшлар ўртасида Исроилга қарши курашишни фаол тарғиб этиб келаётган эканлар.

Ғазодаги хавфсизлик хизмати раҳбари Муҳаммад Даланнинг айтишича, ўзбошимча ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмайди. Шунингдек, Фаластин мухторияти қарорларини бузаётган барча шахслар ҳибсга олинадилар ва Исроил ҳудудлари миномётлардан ўққа тутилишининг олди олинади.

Гарчи, Ёсир Арофат фаластинликларни тўқнашувлардан ўзларини тийишга чақирган бўлса-да, лекин расмий Тель-Авив "биз бу борада ҳеч қандай ижобий ўзгаришларни кўрганимиз йўқ", дея айтмоқда.

ҚИРОЛ ЖИЯНИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдулазизнинг жияни АҚШда ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, океан ортига ўқиш учун келган малика Бониа ал-Сауд ўз хизматкорларини калтаклашда айбланмоқда.

Флорида штатининг Каунти Оранж графлиги полициясининг маликанинг қўшниси у ўз хизматкорларини ураётганлиги ҳақида хабар бергач, Буниани қамоққа олишга қарор қилган эди. Аммо, адолатли суддан яширинишга ҳаракат қилган қирол жияни маҳаллий меҳмонхонлардан бирида қўлга туширилган. АҚШ қонунчилигига кўра, унга 15 йилгача бўлган муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси берилиши мумкин.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида
А. КАМОЛОВ тайёрлади.

ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Юртбошимизнинг яқинда нашр этилган "Тинчлик учун курашмоқ керак" деб номланган китобини мутолаа қилар эканман, беихтиёр ўзини эл-юрт фаровонлиги, Ватан равнақи, мамлакат тинчлиги учун бахшида этган фидойи инсон сиймоси кўз олдимга келди.

Дарҳақиқат, нотинчлик ҳукм сураётган минтақада тинчлик ва барқарорликнинг давомийлигини таъминлаш юрт раҳбаридан жуда катта салоҳият ва куч-қудратни талаб этади. Ана шу хусусиятларнинг мамлакатимиз раҳбарида мужассам эканлиги кўп миллионли халқимизнинг улкан бахтидир.

Ён атрофимизга теранроқ назар ташлайлик: шундоққина Жайҳун ортидаги Афғон диёрида 23 йилдан буён кечаётган талотўп, бутун сайёрамиз аҳли боши узра ўзининг мудҳиш қўланкасини ташлаётган терроризм аталмиш турли нуқталарида ловуллаб турган уруш ўчоқлари ҳар биримизнинг қалбимизда тинчлик аталмиш неъматни қадрлаш, ёруғ ва осойишта кунларимизга шукроналик ҳиссини уйғотади.

МУНОСАБАТ

Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмизки, қўшни давлатдаги АҚШ ва Бирлашган фронт кучлари томонидан террорчи газандаларга қарши олиб борилаётган шиддатли жанглар ҳақиқат ва адолат тантанаси билан якун топишига ҳам саноқли фурсат қолган кўринади. Қонхўр террорчиларга қарши уруш ёвузлик устидан қозонилган ғалаба билан ниҳоясига етишини дунёдаги барча тинчликсевар халқлар интизорлик билан кутишмоқда.

Афғонистонда тинчликнинг қарор топишидан ким манфаатдор? Бутун жаҳон, дея жавоб қайтарсак, муболаға бўлмас. Шу жумладан, афғон элига ёндош ва жондош биз - ўзбеклар ҳам қўшнимизнинг уйидаги осойишталиқдан катта манфаатга эга бўлишимиз муқаррар.

Юртбошимизнинг ушбу китобидан ўрин олган фикрлар ҳам айнан ана шундай маслак ва ғояларни илгари суради. Мазкур асар китобхонларнинг дунёқарашини янада кенгайтириши, тинчлик, фаровонлик, барқарорлик каби тушунчалар моҳиятини янада теранроқ англаб етиш имконини беради.

Баҳодир ҲАСАНОВ,
Тошкент молия институтининг бухгалтерия ва аудит кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди.

МЕҲНАТ ШАРАФИ

Бугунги ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Унинг қудрати шундаки, турмушимизнинг ҳар бир жабҳасини забт эта олди. Шу боис бугунги кунда барча соҳада электр энергиясидан унумли фойдаланилмоқда.

Сирдарё ГРЭСининг республикамизни электр энергия билан таъминлашда алоҳида ўрни бор. У мамлакатимизга электр қувватининг учдан бирини (37 %) етказиб бермоқда. Айтиш лозимки, бу ерда иш бир маромда давом этмоқда. Унинг 2 мингдан зиёд ишчилари намунали меҳнат қилаяптилар.



Суратларда Сирдарё ГРЭСидаги иш жараёни акс эттирилган.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЁМҒИР ЁҚҚАНИ ЯХШИ...

(Боши 1-бетда)

Зиёдулла Турсунов экинларни суғораётган экан.

-Бизнинг шароитда ғалладан яхши ҳосил олиш учун уни камида беш-олти марта суғориш керак, - дейди у. – Бизлар қудуқдан сув оламиз. Ер ости суви пастга ташлаб кетгач, насосларни ниҳоятда авайлаб ишлатишга ҳаракат қиламиз. Чунки сал эҳтиётсизлик қилинса, у қуйиб қолиши мумкин. Яна денг, бир қудуқдан 7 нафар ижарачи экинларини суғоради.

-Ҳа, сув масаласида қўлимиз бироз калталик қиляпти, - дейди Норбой Элмуродов ҳам ижарачининг гапларини қувватлаб. – Қудуқ суви билан кўзланган мақсадга эришиш қийин, ариқдан сув ичолмаймиз. Бу йил сувли ғалланинг ҳар гектаридан ўртача 25 центнер атрофида ҳосил олдик. Албатта, бундай кўрсаткич билан мақтанолмаймиз. Шу боис кейинги йилда бу борадаги натижаларни янада яхшилаш учун бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиляпмиз.

-Зиёдулла Турсунов билан хўжалик ўртасида тузилган шартномада ҳосилдорлик қанча қилиб белгиланган?

-30 центнердан.

-Мабодо, ҳосил мўлжалдан кам бўлса-чи?

-Буёғига ижарачи жавоб беради.

Зиёдулла Турсунов бу йилги мавсумда гектаридан 40 центнердан ғалла ҳосили олишга эришибди. У неча ойлаб қилинган машаққатли меҳнатлари зое кетмаганидан хурсанд. Зеро, режадан ортиқ етиштирилган 4 тонна буғдойни омборига тўкибди. У келгуси йил янада кўпроқ ҳосил олишига ишонади. Негаки, майсаларга етарлича табиий ва минерал ўғитлар билан ишлов бериляпти. Қолаверса, тез-тез ёмғир ҳам ёғиб турибди.

-Хуллас, хўжалигимиз аъзолари бугун асосан ғалла-зорларда ишлаяпти, - дейди раис. – Бирови экинни суғорса, бирови бегона ўтлардан тозалайди. Яна бошқа бирлари эса далага гўнг ташиб чиқаради. Бизда бекор юрган одамни кўрмайсиз. Ёмғир ёғиб қолмаганида Зокир Нафасов, Бахтиёр Очилов, Бобоназар Нормўминов, Содиқ Пардаев сингари илғор фермер хўжаликларига қарашли экинзорларни ҳам кўрсатардим. Нима бўлганда ҳам баҳор яхши келсин. Насиб этса, ўшанда омборларимиз донга тўлиб, одамларнинг ҳам кайфияти яхши бўлади.

Б.ЭРҚОРОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ: КИМГА ҚАНАҚА?

(Боши 1-бетда)

Аминманки, кўпчилик айнан шу муаммолар билан машғул. "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари"нинг ҳар бир вилоятда борлиги ва улар Федерацияга уюшганлигидан, салкам икки йилдан буён ушбу ташкилот фаолият кўрсатаётганидан бохабар бўлмаса керак.

Ташкилот фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида у жойлашган бинога бордим. Бино кўримсиз ва ичи анчагина совуқ. Хона эшикларига фақат рус тилида ёзиб қўйилганига ажабландим (Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига 12 йил бўлдия...). Ўша куни Федерация учун "Очиқ кун" экан, аниқроғи, ҳар чоршанба бино эшиклари фуқаролар мурожаати учун очиқ бўларкан.

Ҳақиқатан, ичкарида анча-мунча одам Федерация раиси олдига кириш учун навбат кутиб турар, айримлари ташкилот ходимлари билан суҳбатлашарди. Эътибор бердим, деярли келганларнинг ҳаммаси бошқа миллат вакиллари (Демак, деворларда осилган йўриқномалару эшиклардаги "Режим работы"лар рус тилида эканлиги бежизмас экан-да!)

Ўзбеклардан ягона вакил бўлиб ўтирган кишининг ёнига бориб суҳбатга тортдим. Ўзини Наманганнинг Уйчи тумани "Ғайрат" ширкат хўжалигидан Тоҳиржон Маматов деб таништирган бу фуқарони қийнаётган муаммо кўпчилигимиз учун нотаниш эмасга ўхшайди.

-24 ёшли қизим Наргиза докторларнинг хатоси туфайли ногирон бўлиб қолди, - дея кўнглини очди Тоҳиржон ака. - Ўн йил олдин қизимнинг буйрагида тош йиғилган, деган ташхис билан даволатишга кириштик. Ҳаммаси бинойидай эди. Лекин, қизим 1995 йили даволаниш учун туман касалхонасида ётган чоғида тажрибасиз жарроҳнинг уқувсизлиги сабаб ғалвалар бошланди. Қизимнинг аҳволи оғирлашди. Вилоят касалхонасига олиб бордик. Уч ой ҳарорати тушмади. Сўнг у ерда қизимни операция қилишди. Шунда бир эмас, икки эмас, нақ тўртта эни 12 мм, бўйи 14 сантиметрли "резина полоска"ни қизим ичидан олишди.

Мен туман касалхонаси жарроҳи устидан туман прокуратурасига мурожаат қилдим, туман ҳокимлигига ҳам чиқдим. Лекин, додимни ҳеч ким эшитмади. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига бордим. Улар аҳволни ўрганиб, туман касалхонаси бошлиғи ва ўша укувсиз жарроҳга нисбатан чора кўриш ҳақида қарор чиқарди. Лекин, қоғозда бошқа, амалда бошқа бўлиб қоларди...

Мана, шунча йилдирки, бирор кун йўқ, қизим касалхонада ётмаган бўлса. Ҳозир ҳам Тошкентда даволатяпман. Нафақахўрман, етти болам бор. Энди ўзингиз ўйланг, шунча саргардонлик билан оилада ҳаловат бўладими? Пулларимга ачинмайман, бироқ нега қонунни менсимайдиган, одамни одам ўрнида кўрмайдиган айрим кимсалар жазосиз юравериши керак.

-Уйчилик Тоҳиржон Маматовнинг мурожаати билан танишмиз, - дея сўз бошлади Федерация раиси Зуҳра Сайдаминова суҳбатимиз чоғида. – Минг афсуски, бизга кўмак беришни сўраб келаётган фуқароларимизнинг аксарияти Тоҳиржон ака каби тиббий хизматдан фойдаланишда мижоз сифатида ҳуқуқлари поймол қилинаётганидан арз этишмоқда. Мана бир мисол.

Бир пайтлар телевизорда реклама қилинавериб, эл оғзига тушган "Стомасервис" хусусий касалхонаси устидан фуқаро Шиговадан арз тушди. У икки йил олдин шу касалхонада катта пул эвазига тишларини даволатган. Лекин, кўп ўтмай, ҳамма тишларида чириш кузатилган. У "Стомасервис"ни Мирзо Улуғбек туман судига беради. Суд ҳам "Стомавервис"га фуқаро Шиговага 1 миллион 700 минг сўм миқдорида жарима тўлаш ҳақида ҳукм чиқаради. Ваҳоланки, мижоз тишини даволатганда бундан 2-3 баравар баланд ҳақ тўлаган. 1 миллион 700 минг сўм билан соғлиғини тиклай олмаслигига кўзи етган бу аёл бизга мурожаат қилди. Ҳозир унинг ҳуқуқларини тиклаб олишга ёрдам беряпмиз.

Бундан яна бир муаммо кўриниб турибдики, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда айрим бошқарув органлари ва судларнинг ўзи ҳам хатоларга йўл қўймоқдалар.

-Истеъмолчиларимизни яна кўпроқ қандай муаммолар қийнаяпти?

-Тўқсон фоиз истеъмолчиларимиз уй-жой ширкатлари коммунал хизматларидан шикоят қилишади. Бу мурожаатлар билан танишсангиз, жуда катта қонунбузарликларга йўл қўйилаётганининг гувоҳи бўласиз!..

Сўнгги пайтларда озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, нон маҳсулотлари сифати яхши эмаслиги ҳам кўпчилик истеъмолчиларимиз норозилигига сабаб бўлмоқда.

Албатта, муаммолар оз эмас. Лекин, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасидаги муносабатни ўрганиб, таҳлил қиларканмиз, аксар ҳолларда истеъмолчиларимизнинг ўзлари қонун билан кафолатланган ва ўзларининг манфаатларига хизмат қиладиган ҳақ-ҳуқуқларини билмаслигига амин бўлдик. Демак, истеъмолчиларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бугуннинг талабига айланган. Ташкилот мана шу зарурат чора-тадбирларини амалга оширмоқда.

Демократик жамиятда фуқаролик маданияти шакл топади. Инсон ўз ҳуқуқларини билиши, ғуруруни ҳимоя қилиши ўша маданиятнинг таркибий қисмидир. Шу қатори истеъмолчи сифатида ҳуқуқларимизни ҳимоя қилиб яшаш учун эса ўз-ўзимизга лоқайд бўлмайлик.

Фарида МАҲКАМОВА

ҚИШДАН ҚАНДАЙ ЧИҚАСИЗ?

(Боши 1-бетда)

Масалан, Турсунмат Ғуломов номли ширкат хўжалигида бўлганимизда соҳа мутасаддиларининг чорвага бир қадар масъулиятсизликларидан ранжидик. Тушлик баҳона ҳамма уйига кетибди. Ферма дарвозаси қулф. Мудир Мўмин Тўйчиевни дам олаётган жойидан "безовта" қилиб чақириб келишди. Ичкарини айланганимизда, чорва қишловига етарлича ҳозирлик кўрилмаганлигига гувоҳ бўлдик. Молхоналар талаб даражасида таъмирланмаган. Айримларининг томидан чакка ўтиб ётибди. Эшик ромларига ойна солинмаган.

Мавжуд 165 бош қорамолни ветеринария талаблари асосида қишловдан олиб чиқиш учун яратилган имкониятлар кўнгилдагидай эмас. Маҳсулдорлик ҳақида суриштириб жавобдан таажжубга тушдик. Сигирлардан ўртача 2-2,5 литрдан сут соғиб олишмоқда экан. Бундай сутни эчки ҳам беради-ку?! Кўрсаткич ҳозирдан шундай бўлса, эртага айни қиш чилласида аҳвол қандай бўлади?

Энг ёмони, фермерда чорвадорлар учун ҳеч қандай шароит йўқ. Ажратилган хоналар совуқ, эшик ойналари ва жиҳозлар йўқлигидан ҳеч ким кирмас экан. Иссиқ овқат ташкил этилмаганлиги туфайли чорвадорлар уйларига қатнашади. Бундай вақтда қорамолларнинг қаровсиз қолиши ишга нисбатан совуққонлик белгисидир.

"Пахтакор" ширкат хўжалигига қарашли ферма наслчиликка ихтисослашган бўлиб, у тумандаги энг йирик чорва мажмуи ҳисобланар экан. Бу ерда айни вақтда 214 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Унинг 80 боши сигирлардан иборат. Мазкур ферма бир вақтлар нафақат туман ва вилоятда, балки республика миқёсида ҳам кўзга кўринган йирик чорва мажмуи ҳисобланган. Бу ерда қорамолларнинг бушево зоти кўпайтирилиб, бошқа туман ва вилоятларга тарқатилар эди.

Эндиликда фермадан анча файз қочибди. Йирик иншоотлар ҳувиллаб ётибди. Чорвадорлар учун яратилган шарт-шароитлар кишини қониқтирмайди. Маҳсулдорлик жуда паст. Маълум қилишларича, сут соғиб олиш режаси ҳам бажарилмаяпти экан.

-Ҳозир емимиз йўқ, шунинг учун сигирлар кам сут бераяпти, - таъкидлади биз билан суҳбатда бош зоотехник Бахтиёр Маматқулов.

Молхоналар олдини ёмғир сувларидан ҳосил бўлган қўлмаклар қоплаб олган. Тўпланган сувни озгина ғайрат қилиб нарирокдаги чуқурликларга ўнглаб юбориш негадир ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Бу йил чорва насл хизмати бўйича атиги 20 бошга етар-етмас, наслли мол сотилибди, холос. Бу эса мазкур хўжаликда "Чорвачиликда насл олиш ишларини янада такомиллаштириш" бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори етарлича таъминланмаётганлигини англатиб турибди.

Ҳайриятки, "Гулистон" ширкат хўжалигининг ижарадаги фермаси ишларини кўриб кўнглимиз сал ёришди. Бу ерда чорва қишловига етарли ҳозирлик кўрилганлиги боис мавсум намунали ўтмоқда. Молхоналар сифатли таъмирдан чиқарилган.

Иссиқ, баҳаво, чорвадорлар учун ҳам етарли шарт-шароит яратиб қўйилибди.

-Ўтган йили фермани 88 бош қорамол билан ижарага олган эдик, - дейди чорвачилик мажмуи раҳбари Эргаш Абдураззоқов. - Ўтган давда улар сони 96 бошга етди. Орада четга 10 бош наслли мол ҳам сотдик.

Маълум бўлишича, чорвадорлар жорий йилда 32,5 тонна сут соғиб олишни режалаштирган эканлар. Улар бу вазифани 10 ойда зиёди билан уддалашибди. Маҳсулот тумандаги "Сайхунсут" ҳиссадорлик жамиятига сотилмоқда экан. Етарлича озуқа заҳираси ҳозирланганлиги учун жамоада қиш кўнгилдагидек ўтмоқда.

Қишлов – синов дегани. Мақсад ҳамонки чорва бош сонини яна ҳам кўпайтириш, насл ишларини яхшилаб, тармоқни фойдали соҳага айлантириш экан, бу борадаги фаолиятни тубдан жонлантирмоқ лозим. Ана ўшанда барча ишлар амалда рўёбга чиқади.

Иброҳим ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ойнаи жаҳонда

ДУШАНБА, 24

«Ўзбекистон» телеканали

«Ўзбекистон» телеканали ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.25 «Тўртинчи ҳокимият».
15.45 Кундузги сеанс: «Муқаддима». Бадиий фильм.
17.10 Волейбол. Ўзбекистон волейбол федерацияси кубогининг финали.
17.40 С. Аҳмад. «Ялпиз ҳиди». Теленовелла.
17.55 ТВ маркет.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Лоф уришга ким уста». Мультфильм.
18.20 «Ўзбекистон фуқароси».
18.35 «Суғурта».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 «Маънавият» дастури.
22.10 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 53-қисм.
22.35 «Ахборот».
23.10 - 23.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

11.55 Кўрсатувлар дастури.
12.00 «Давр» ҳафта ичида.
12.30 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
13.15 Ишбилармон кишилар.
13.40 Мольер. «Учар табиб». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 1-қисм.
14.45 Олтин мерос.
14.50 «Учар табиб». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 2-қисм.
15.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.20 Спорт ҳафтаномаси.
16.35 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
18.10 «Ёшлар овози».
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Тафаккур ёлқинлари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 «Қишлоқдаги тенгдошим».
20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
21.20 «Бунёдкорлик». 1-фильм. «Эртанги кун ташвиши билан».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди? «Телеўйин.
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.35 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.45 Кинематограф. «Севгилим учун уч лимон». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 25

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ранглар жилоси».
9.15, 10.25 ТВ метео.
9.20 «ТВ -клуб».
9.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.30 «Одам» амфибия». Бадиий фильм.
12.05 «Жондан азиз».
12.15 «Маънавият» дастури.
12.55, 13.55, 16.20 ТВ анонс.
13.00 «Жаҳон киноси юлдузлари».
13.20 Биржа ва банк хабарлари.
13.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 53-қисм.
14.10 Ўзбекистон халқ артистлари.
14.30 Кундузги сеанс: «Оқ шудринг» қишлоғи». Бадиий фильм.
16.00 «Эл тинчлиги йўлида».
16.25 Волейбол. Ўзбекистон волейбол федерацияси кубогининг финали.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Орзулар довони».
18.55 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Фермер». Тележурнал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сарҳад билмас дўстлик».
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.50 ЎзТВ хазинасидан. «Парвона». Спектакль. 1-қисм.
22.50 «Ахборот».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
9.45 Мультфильм.
9.55 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.25 Автосалтанат.
11.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.25 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
13.10 Мутойиба.
13.35 Интерфутбол.
15.10 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
15.30 «Бу ранг-баранг олам». Бадиий фильм.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.00 Таянч.
17.15 Мусиқий лаҳзалар.
17.20 Минг бир маслаҳат.
17.40 Ватан манзаралари.
18.00 XXI аср шеъриятидан. Иқбол Мирзо.
18.05 Автопатрул.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Сифат белгиси.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Марду майдон.
20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
21.20 «Бунёдкорлик». 2-фильм. «Эрта бугундан бошланади».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
24.00-00.05 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 «Тезкор ёрдам». Сериал.
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Бўш халқа» шоу ўйин.
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.10 «CNN-шоу».
22.25 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.35 Кинематограф. Харрисон Форд «Етти кеча, олти кундуз» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
*
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Маҳалла - юрт таянчи». Премьера.
9.20, 10.25 ТВ метео.
9.25 «Соз сеҳри».
9.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.30 «Курьер». Бадиий фильм.
11.55, 12.40, 17.25 ТВ анонс.
12.05 «Камолот сари».
12.20 «Фермер». Тележурнал.
12.45 «Жаҳон цирки. Массимо». 1-қисм.
13.45 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 Кундузги сеанс: «Тезлик». Бадиий фильм.
16.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
16.25 Б. Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоғистон драма театрининг спектакли. 1-қисм.
17.30 «Сарҳад билмас дўстлик».
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий -публицистик кўрсатув.
18.45 «Қумсоат».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Бугуннинг гапи».
21.50 ЎзТВ хазинасидан. «Парвона». Спектакль. 2-қисм.
22.50 «Ахборот».
23.25 - 23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 Мультфильм.
9.25 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.45 «Давр»-интервью.
10.00 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
10.45 Таянч.
11.00 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.25 «Ёшлар овози».
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
12.25 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
13.10 Ватан манзаралари.
13.30 Олтин мерос.
13.35 Болалар экрани. «Фликнинг саргузаштлари».
15.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
15.35 Автопатрул.
15.55 Мусиқий лаҳзалар.
16.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
17.55 «Мультомоша».
18.10 Мени тушун. Телеўйин.
18.35 Оқшом наволари.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Бир жуфт қўшиқ.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Чемпион сирлари.
20.30, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-қисм.
21.15 XXI аср шеъриятидан. Гулжамол Асқарова.
21.20 «Бунёдкорлик». 3-фильм. «Азалий, абадий ўлмас».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар « телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.25 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Сўнгги қаҳрамон». Телеўйин.
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «Кун мавзуси».
22.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.40 Кинематограф. «Таитида учрашамиз». Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
*
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қиш».
9.05, 10.25 ТВ метео.
9.10 «Она ва бола» давлат дастури - амалда. «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ватанпарвар».
10.30 «Совға», «Кўза». Қисқа метражли бадиий фильмлар.
11.35 «Йиллар ва йўллар».
11.55, 15.25 ТВ анонс.
12.05 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий -публицистик кўрсатув.
12.20 «Қумсоат».
12.40 «Жаҳон цирки. Массимо». 2-қисм.
13.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
14.10 «Экспедиция». Телесериал. 24-қисм.
15.00 «Санъатга бахшида умр».
15.30 Болалар учун. «Фламинго».
15.55 «Дунё адабиёти».
16.15 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
16.35 Б. Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоғистон драма театрининг спектакли. 2-қисм.
17.30 «Халқаро ҳаёт -шарҳловчилар нигоҳида».
18.10 «Сиҳат -саломатлик».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат оламида».
21.25 F. Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
21.50 «ТВ -клуб».
22.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 54-қисм.
22.40 «Ахборот».
23.15 - 23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Мультомоша».
9.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
10.00 Спорт қитъаси.
10.30 Сенинг вақтинг.
10.50 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.15 «Мени тушун» Телеўйин.
11.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.25 Сифат белгиси.
12.35 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-қисм.
13.20 Мусиқий лаҳзалар.
13.25 Интерфутбол.
15.00 Мультфильм.
15.20 «Эмма». Бадиий фильм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Имтиҳон».
17.45 Оби ҳаёт. Экологик тележурнал.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Мусиқий лаҳзалар.
18.35 Табобат оламида.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Бегойим».
20.25, 21.15, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 6-қисм.
21.20 XX аср шеъриятидан. Эркин Воҳидов.
21.25 «Бунёдкорлик». 4-фильм. «Одамлар ғамини ўйлаб».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.30 CFI тақдим этади: «Янги йил цирки».
*
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «Соккер-клуб».
22.35 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.50 Кинематограф. «Икковлон». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 28

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ҳиммат».
9.15, 10.25 ТВ метео.
9.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин».
10.30 «Аэлита , эркакларга суйкалма». Бадиий фильм.
11.55, 14.40, 17.05 ТВ анонс.
12.05 «Сеҳрланган бола». Мультфильм.
12.45 «Эҳтиром».
13.15 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 54-қисм.
13.40 «Мусиқа ва театр».
14.10 Кундузги сеанс: «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
15.20 «Сиҳат-саломатлик».
15.45 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
16.10 «Депутат».
16.25 F. Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
16.50 «Оламни асранг!»
17.10 «Фарзандим - жигарбандим».
17.35 «Келажакка интилиб».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Чемпион билан учрашув».
18.45 «Қонун ва ижро».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт одимлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент вақти».
21.25 Ўзбекистон халқ ҳофизлари куйлайди.
21.50 «Таълим тараққиёти».
22.10 «Олам». Телеальманах.
22.45 «Ахборот».
23.20 -23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Имтиҳон».
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
10.50 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
11.10 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.35 Ёшлар овози.
11.55 Мусиқий лаҳзалар.
12.05 Бегойим.
12.25 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 6-қисм.
13.10 Минг бир маслаҳат.
13.30 Интерфутбол.
15.05 Мультфильм.
15.20 Вилоятларнинг ёш хонандалари куйлайди.
15.35 «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадиий фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Янги йилим-яхши йилим».
17.35 Мультфильм.
17.55 Одил сўз.
18.10 Автосалтанат.
18.25 Оқшом наволари.
18.35 Ёшлар овози.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 «Аср қиёфаси».
20.00 Аскар мактублари.
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-қисм.
21.15 XX аср шеъриятидан. Эркин Воҳидов.
21.20 «Бунёдкорлик». 5-фильм. «Эртанги кун умидлари».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Иқтисод-news.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20-00.25 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30 -9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Қушлар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли сериал.
17.00 «Вести».
17.25 «Хўрозтепалик миршаб». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.30 CFI тақдим этади: «Янги йил цирки».
*
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин.
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотлари» Сериал.
22.10 «Автострада».
22.30 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
22.45 Кинонинг олтин асри: «Байрам». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 29

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳуқуқий-демократик жамият йўлида». Премьера.
9.15, 10.15 ТВ метео.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.20 «Бахтимизга омон бўлинг».
«Тирик сайёра» кинодастури:
10.40 «Ноилож сайёдлар». Ҳужжатли фильм.
11.30 «Маърифат». Телеальманах.
11.50 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
12.20 Кундузги сеанс: «Кўк қуш». Бадиий фильм.
13.55, 16.40 ТВ анонс.
14.00 «Дўстлик» видеоканали: «Меҳрангез», «Жетиген».
14.20 «Кўҳна замин оҳанглари».
14.50 «Чемпион билан учрашув».
15.05 «Серенада», «Мулоқот». Қисқа метражли бадиий фильмлар.
16.45 «Спорт: шанбадан шанбагача».
17.05 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
17.25 «Рисқи Ражабий». Ҳужжатли видеофильм премьераси.
18.10 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
19.00 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Она ва бола» давлат дастури - амалда. «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
21.25 «Шанба оқшомида».
22.00 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш кино - дастури.
22.35 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Янги йилим-яхши йилим».
9.35 Жаҳон жуғрофияси.
10.25 Аср қиёфаси.
10.45 Ёшлар овози.
11.05 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
11.30 Одил сўз.
11.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.45 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 6-қисм.
13.30 Чемпион сирлари.
13.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.30 Ёшлик наволари.
14.40 «Ишқ сурури». Бадиий фильм.
16.15 Кўрсатувлар дастури.
16.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
16.45 Бола тилидан.
17.15 Мусиқий лаҳзалар.
17.25 Ёшлар овози.
17.45 Футбол плюс.
18.05 Оқшом наволари.
18.15 Ҳайрат.
18.35 Лаззат.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Каталог.
19.40 Сийрат.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Кутилмаган меҳмон.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 8-қисм.
21.20 «Бунёдкорлик». 6-фильм. «Ватан равнақи, юрт тинчлиги, эл фаровонлиги».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Кинотакдим.
23.00 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Оҳ, олтин». Бадиий фильм.
00.30-00.35 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Мультчархпалак».
9.20 Кундузги сеанс: «Уйда ёлғиз-1». Бадиий фильм.
10.40 «Соккер-клуб».
11.00 «CNN шоу».
11.15 «Автострада».
*
11.35 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
*
11.50 «CFI янгиликлари».
12.00 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
12.25. Дўстлик видеоканали: «Умид», «Саҳий хонадонда».
13.25-13.55 «Немис тили».
*
18.00 «Кўрсатувлар тартиби».
18.05 «Бинафша».
*
18.25 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Сўнгги қаҳрамон».
21.00 «Время».
*
21.35 «Эксклюзив».
22.05 «Мюзик-холл».
22.30 Кинематограф. «Жейн Эйр». Бадиий фильм.
00.15 Ахборот (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 30

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 «Камалак». Болалар учун байрам кинодастури.
9.10, 11.00 ТВ метео.
9.15 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
9.40, 12.45 ТВ анонс.
9.45 «Ғаройибот».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.05 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Бола бошидан».
11.25 «Цирк, цирк, цирк».
11.45 «Уй бекаси».
12.05 Телевизион миниатюралар театри.
12.50 Болалар учун. «Янги йил қувончлари».
13.20 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.25 «Мусиқий йилнома».
15.00 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.25 «Ўйла, Изла, Топ !» Телемусобақа.
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.30 «Олтин тож»да Янги йил».
18.10 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури.
18.40 «Ютуқли омонат». Телеўйин.
18.55 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Буюк юрт фарзандларимиз». Янги йилга бағишланган байрам шоу дастури.
22.00 «Балли, раислар». Телетанловнинг якуний босқичи.
«Якшанба кинозали». Байрам дастури.
22.50 «Кино, ижод, талқин».
23.20 ЎзТВ экранида биринчи марта». Ракс қироли». Мусиқий бадиий фильм.
00.20- 00.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Мультомоша».
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 Табобат оламида.
10.00 Ёшлар овози.
10.20 Футбол плюс.
10.40 Болалар экрани. «Соҳибжамол ва маҳлуқ».
12.00 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марду майдон. 2. Аскар мактублари.
12.40 «Скарлетт». Кўп қисмли бадиий фильм. 8-қисм.
13.25 Очил дастурхон.
13.40 Ёшлик наволари.
13.55 Сийрат.
14.15 «Суғур куни». Бадиий фильм.
15.55 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.15 Мусиқий лаҳзалар.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
16.55 «Мультомоша».
17.10 Якшанбада кўришгунча.
17.25 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
18.15 «Очун».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 «Жараён».
19.55 «Умид юлдузлари». Ёш истеъдодлар фестивалининг якуний босқичи.
21.10, 22.30 - Эълонлар.
21.15 «Бунёдкорлик». 7-фильм. «Миллатнинг қудрати-бирликда».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ёқимтой шаҳзода». Бадиий фильм.
00.20-00.25 «Хайрли тун!»

«Халқаро» телеканал

8.00 Кўрсатувлар тартиби.
8.05 «Мультчархпалак».
8.20 Болалар соати: «Уйда ёлғиз-2». Бадиий фильм.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
*
11.10 «Кайфият». Дам олиш дастури.
12.10 «Парле ву франсе?»
12.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
12.45 «До-ми-соль шоу». Болалар учун кўрсатув.
14.15-15.15 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Озарбайжон туҳфаси».
17.30 «Кўрсатувлар дастури».
17.35 «Билишни истайман». Болалар учун дастур.
18.00 «Британия кундалиги».
*
18.20 КВН-2001. Финал.
20.40 «ТВ-4да карнавал кечаси ёки декабрнинг ўн етти лаҳзаси».
22.10 «Дурдаршан».
22.35 «Кинопрофи».
22.55 Кинематограф. «Ғирт етим». Бадиий фильм.
00.25 «Таҳлилнома».
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ҲУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ

Савол: Синов муддати даврида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати қандай ҳисобланади?

Ф.САТТОРОВ, Фарғона вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 13-моддаси биринчи қисмига биноан меҳнат кодекси 87-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган уч кунлик муддат шартнома тузган томонлардан бирининг меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш нияти борлиги тўғрисида огоҳлантирганидан кейинги кундан бошлаб ҳисобланиши керак. Чунончи, агар меҳнат шартномасининг бир томони 12 майда огоҳлантирилган бўлса, 15 май шартнома бўйича сўнгги иш куни бўлади. Муддатнинг сўнгги куни ишланмайдиган (байрам) кунига тўғри келса, у ҳолда шундан кейинги биринчи иш куни огоҳлантириш муддати тугайдиган кун ҳисобланади.

Савол: Ходим синов муддати даврида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ўзи берган аризани қайтариб олиши мумкинми?

Н.АБДУҚОДИРОВ, Сирдарё вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг учинчи қисмига мувофиқ Қонунда ёки меҳнат шартномаси тузган томонларнинг келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати мобайнида ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисида берилган аризани қайтариб олишга ҳақли.

Бинобарин, агар синов даврида меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси ходимдан чиққан бўлса, унда ходим умумий қоида бўйича уч кунлик огоҳлантириш муддати мобайнида ўзи берган аризани қайтариб олишга ҳақли. Мабодо ходимнинг илтимосига кўра иш берувчи меҳнат шартномасининг ходим томонидан ариза берилганидан кейин ўтадиган уч кунга қараганда бирмунча эртароқ муддатга бекор қилишга розилик берган бўлса, унда фақат томонлар шартлашиб олган муддат мобайнида ариза қайтариб олиниши мумкин.

Ўз аризасини қайтариб олиш ходимни келишилган дастлабки синов муддати ўтгунигача такрорий равишда иш берувчини уч кун олдин огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Савол: Агар ходим синов муддати мобайнида ўзи вақтинча ёки доимий ўтказилган ишни уддалай олмаса, синов натижаларини қониқарсиз деб топиш мумкинми?

М.ТОШБОЕВА, Бухоро вилояти.

Жавоб: Агар ходим айни у бажариши учун қабул қилинган ишни уддалай олмаётган бўлса, синовнинг қониқарсиз натижаларига кўра иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қила олади.

Синов даврида ходим вақтинча ёки доимий равишда бошқа, қабул қилиш чоғида шартлашилмаган ишга ўтказилган бўлса ва бу ишни уддалай олмаса, бу ҳол синовдан ўтмаган сифатида у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга сабаб бўла олмайди.

Чунончи, уч ойлик синов муддати билан автобазага механикликка қабул қилинган Н. бир ойдан кейин унинг розилиги билан хавфсизлик техникаси муҳандиси қилиб бошқа ишга ўтказилган эди. Бу ишга ўтказилганидан бир ярим ой кейин у билан меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 87-моддасига биноан бекор қилинди.

Суд меҳнат шартномаси бекор қилинишини ғайриқонуний деб топди, чунки ишга қабул қилиш чоғида дастлабки синов хавфсизлик техникаси муҳандислигига мувофиқликни эмас, балки механик лавозимига мувофиқликни текшириб кўриш учун белгиланган эди.

Саволларга жавобларни ҳуқуқшунос Э.САЙИТОВ тайёрлади.

КУЛИБ ТУР, АЗИЗИМ!

РОМАНДАН ПАРЧА

(Боши ўтган сонда)

Бурҳонов меш қорнини ушлаб чайқалиб олди. Сўл қўли билан лабини артган куйи шоирга ўқрайиб қаради.

— Чиқ йўқол. Ҳозир, тоғапоғанг билан уруғингни қуритаман!.. Марш Отсуда!!

Бурҳоновнинг тутқоноғи тутиб қолди. У титраб-қақшаб, лаблари пирпирар, юзи гезариб кетганди. Шоирнинг миясида чақмоқ чақ-қандай бўлди. Кутилмаган ҳамладан довдираб эшикка қараб юрди. Остонага бориб ўзини ўнгладди-да, ортига тезлик билан бурилиб, оғзига келган гапни тўхтатиб қололмади.

— Онангни... ҳароми! Мен Сени ўлдираман!!!

Эшикни тепиб очди-да, шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Қабулхонада бундай ҳолни кутмаган, эсхонасидан айрилган котиба шоирнинг ортидан жеркиб берди:

— Деревняк!

Шоир буни эшитди. тишларини ғижирлатиб қизга ўқрайди:

— Иди ты.. знаешь куда?. — ва ғазаб билан йўлакка отилди.

Ташқари намчил ва совуқ... Шоирга ҳаво етишмасди. Катта идорадан равон йўлга чиққунга қадар нафаси қисди. Буғилди. Оёғидан мадори кетди. У бекатдаги ўриндиққа зўрға етиб келди. Оғир чўкди. Асаби зўриққанидан қўллари қалтирай бошлади. Афтода бир ҳолда чўнтакларини титкилаб сигарет қутисини топди. Битта сигарет олиб тутатди. Унинг бармоқлари титрарди. Кўз олди қуюқ туман босиб қоронғу тортди. Унинг бундай аянчли аҳволи ташқаридан қараган одамнинг энсасини қотирар, танаси бошқа дард билмас деганларидек, юраксиз, калтаўйлар шоирнинг устидан кулиб ўтишлари ҳам бор эди. Беҳис кимсалар табиийки, бу одамнинг Ҳақсизлик, инсон қадрининг таҳқирланиши учун чидай билмай ўз ёғида қоврилаётганини сезишмасди. Шоирнинг ич-этидан тошаётган ғазаб ва нафрат оловини айни дам ҳеч нарса сўндиролмасди. Чунки бу ўз қадрини билган одамнинг иймонини ютиб, шаъни ва номусини тупроққа қориган кимсаларга нисбатан исёни эди. Бурҳоновнинг ҳеч қандай қадр-қимматига нолимаслиги, унинг ўз чиркин фалсафаси борлиги ва буни ёриб чиқиб кетиши учун бундай кимсанинг асло куч-қудрати йўқлигини шоир яхши англар, айни дам ғазабнинг зўридан бу ҳақиқатни тан олгиси келмасди.

Автобус келиб тўхтади. Шоир уйга қайтишни мўлжаллади. Бошқа қаерга ҳам боради. Кенг дунёда ўзини ёлғиз, нотавон ҳис қилди. Яна уй. Хотиннинг мунгли нигоҳига қараб, мунгайиб ўтириши керак. Овунадиган, чалғийдиган нарсанинг ўзи йўқ. Бирор нарса ёзиш учун ҳам кайфият зарур. Кўнглинг тинч, руҳинг хотиржам бўлмаса қийин экан. Эркак киши кўчага яратилган, кўчанинг одами деган гап чин. Кап-катта одамнинг ишсиз, уйда қамалиб ўтириши эп эмас. Шоир хаёлига келган ҳар хил ўйлар гирдобида автобус деразасидан боқиб, атрофга шунчаки назар ташлаб борарди...

Кўчқор НОРҚОБИЛ

2002 йил мамлакатимизда "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинди. Бу эътирофда катта маъно бор. Келажакда ўз қадрини ўйлаган инсон, бугун ўзи кекса авлодни қадрламоғи лозим. Бу ҳаётнинг энг содда ва буюк қонуни.

Нишон туманидаги Чўли Бегимқулов номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи саксон ёшли отахон Дўстмурод бобо Назаров (суратда ўнгдан иккинчи) ҳам доимо ўзининг доно маслаҳатлари билан ёшларни яхшилик қилиш сари етаклайди.

А.МУРОД олган сурат.

РАЖАБОЙ АЯНИНГ РАЙҲОНЛАРИ

(Боши 1-бетда)

-Қайси бирини айтай, болам. Амир Аҳадхон, амир Олимхонлар даврини кўрдим. Оқпошшони зулми, қизиллар босқинига гувоҳман...

У вақтларда ўз еримиз бўларди. Даромадиям, буромадиям ўзимизники эди. Ҳозир яна шундай замон келди, дейишяпти... яхши бўлибди. Амир хорижга кетганда 24-25 ёшларда эдим-ов. Ўн йил оқ босди, қизил босди бўлувди ўшанда. Кейин колхоз деганлари чиқди. Беш қўлни баравар қилиб бўларканми! Ҳамма тенг эмиш, меҳнаткаш бор, дангаса топилади. Бой, камбағал бўлади-да. Урушнинг номи ўчсин. Болаларим отасиз, мен бош эгасиз қолдик. Маъди, Салима-ю, Ҳафизамни тишимда тишлаб катта қилдим.

Уларнинг уччови ҳам ували-жували бўлиб кетган... Ҳодигинамни очарчилик йили бой берганман...

Ражаб бувининг елкалари силкинади.Нурсизгина кўз гавҳаридан қайноқ ёш сизади. Суҳбатимиз анча узоқ давом этади.Бир сўз билан айтганда, қария тирик тарих. Айрим ўтган воқеаларни элас-элас эсласа-да, бу кунларга ич-ичидан шукрона айтади.

Аянинг ҳаёт ҳикояларидан эр билан бир тан, бир жон бўлиб ишлаб, рўзғор тебратганлари, жуфти ҳалолидан "қора хат" келганда сўнгсиз изтироблари, жигарбандининг очликдан силласи қуриб жон бергандаги дардаламлар, невара, эвара, чевара кўрган кунлардаги севинчларини дилдилдан ҳис этаман.

-Бир юзу бешга кирдим болам. Уч асрни кўрдим ҳисоби. Ўлмаган банда кўраверар экан-да... Яратган эгамга шукур. Яхши кунларим ҳам бўлди. Невараларим неварали бўлишди. Юртбошимизга худо умр берсин. Юрт тинч, мамлакат обод бўлсин!

Ҳа, Вобкент туманидаги Х.Камолов номли ширкат хўжалигининг "Сўфидеҳқон" қишлоғида қарилик гаштини сураётган Ражаб буви Аҳмедованинг эзгу ниятлари бир жаҳон.

Дарвоқе, Ражаб бувининг уч авлоди йиғилса, бир ҳовлига сиғмайди. Улар икки юздан зиёд. Сўфидеҳқонда аяга бегонаси йўқ. Қайси жиҳатдандир қишлоқ онасининг шажарасига туташиб кетган улар... Ражабой ая эса уларни менинг райҳонларим деб кеча-ю кундуз алқагани-алқаган. Дарвоқе, ҳовли тўла райҳон. Бутун қишлоқ райҳон ислари оғушида сармаст.

Дилмурод ЖАББОР,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ИСТИҚЛОЛДАН СУЙЛАР "ИСТИҚЛОЛ"

МУЗЕЙ

Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган музейлар сони тез орада яна биттага кўпаядиган бўлди.

"Маънавият ва маърифат маркази"нинг вилоят бўлими ҳузурида доимий ишлаб турадиган мазкур музейга "Истиқлол" номи берилади.

Айни чоғда бу ерда тарихий аҳамиятга молик ҳужжатларни тўплаш, саралаш ва жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Музейшуносларнинг таъкидлашича, мустақиллик қўлга киритилганидан буён қадимий ва навқирон Жиззах йилдан-йилга чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Музейнинг хилма-хил экспонатлари ана шу ижобий ўзгаришлар хусусида ҳикоя қилиши шубҳасиз.

Демак, "Истиқлол" музейи бундан буён вилоятнинг бой тарихи, бугуни ва келажагини акс эттирувчи мунаввар кўзгу вазифасини ўтайди.

Раҳматилла ЮНУСОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СПОРТ ОЛАМИДА

ФИЛЛИПОВ ҲОЗИРЧА ПЕШҚАДАМ

Тошкент шаҳридаги Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари давом этмоқда.

Ҳозирча ўтказилган ўйинлар натижаларига кўра Антон Филлипов 5,5 очко тўплаб, 1-ўринда бораётган бўлса, яна бир умидли спортчи Леонид Козак 5 очко билан 2-ўринни эгаллаб турибди.

ЁШ БОКСЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Жиззах вилоятидаги олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуида вилоятлардан ташриф буюрган 128 нафар "чарм қўлқоп" усталари иштирокида мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилмоқда.

Биринчи босқич баҳслари якунланган ушбу турнирда 51 килограммгача бўлган вазнда Султонов сингари умидли боксчимизнинг рақибларидан устун келиб кейинги босқичга йўлланма олганлиги қувонарли ҳолдир.

ЖАЪФАР - "АНЖИ"ДА

Футбол мавсуми якунланганига қарамай, ҳозирданоқ айрим ўзбекистонлик футболчиларнинг келгуси йилда қаерда тўп суришлари маълум бўлиб қолди.

Ўз омадини Россия ва Белоруссия клубларида синаб кўрган, Жаъфар Ирисметов Махачқалъанинг "Анжи" клуби назоратидан яхши ўтди. Энди ҳамюртимиз 2002 йилдан ана шу жамоада тўп суради.

ТАЙСОН РОУЗНИ КАЛТАКЛАДИ

"Жанжалкаш" дея ном олган Майк Тайсон Нью-Йорқдаги "Sugar Hill Disco" тунги клуби ёнида бир неча йиллардан бери рингга чиқмай қўйган Митчел Роузни калтаклади.

Роузнинг Бруклин полициясига берган даъвосида ёзилишича, Тайсон уни бесабаб урган эмиш. Лекин, Майк тарафдорлари буни рад этиб, аввал Роуз Тайсонни атрофдагилар олдида ҳақоратлаганини айтишмоқда. Агарда суд Тайсонни безориликда айбласа, у ҳолда Тайсон – Льюис жангига ҳам хавф туғилиши мумкин.

К. АЛИЕВ тайёрлади.

ПИЧОҚ ПАЙРОВИ

АСКИЯ

Сотволди Абдувоҳидов: Маҳамаджон, шу ҳафтада ўғлимни хатна қилдираман. Сабзи тўғрашга келарсан. "Пичоғ"ингни олиб кел ёки ҳали ҳам юрибсанми, меники "ўтмас", ҳеч нарсага "ярамайди" деб.

Маҳамаджон: Уста олдин тўйни бошланг, мени тўйга айтинг. Сабзи тўғрашга, албатта бораман, ҳурматингиз бор. Пичоғим ўткир, янги, пичоғимни қинда кўриб менсимаяпсизми? Нима қилай, "ялангочлаб" кўрсатайми? Асл пўлатдан, ўртасида ойни расми ҳам бор, а, лаббай?

Сотволди ака: "Пичоғ"ингни янгилигини қинидан олиб кўрсатасанми менга? Ўртасида ойи бўлса, "Ойим"дагиларга "ясатган" экансан-да? У ердаги пичоқчилардан яхши пичоқ чиққан эмас. Яқин укамсан, ҳали ҳам кеч эмас, тезда бориб, "Чуст"дагиларга бошқатдан "ясатиб" кел.

Маҳамаджон: Уста, маслаҳат учун раҳмат, ёшманда, ҳар қалай ёшман. Айтишларича, ўша ерда тоза пўлатдан ўткир пичоқлар қилишар экан, гапингиз тўғрику-я, аммо, қинини яхши қилишмас экан. Нима қилай, олиб келибоқ, сизни "қиниз"га солворавераймми-а?

Сотволди ака: Қассоб сели билан, кампир эри билан, дейдилар. Пичоқ, қини билан яхши-да, ука. Яхшими, қини билан олавер пичоқни. Мени қинимга пичоғинг сиғадими, йўқми, ҳар қалай билмадимов. Тунукадан қилинган, бир ўлчашдаёқ "даминг" қайрилади қўяди. Эҳтиёт бўл, ука.

Маҳамаджон: Ўзингиз темирсиз, қинингиз тунукадан. Мени пичоғимга асло тил теккизманг ака, олган қинимга ҳам. Ишонмасангиз, мана янги пичоғимни ўткирлигини бир кўринг-а, нақ "ушлаган" жойини ҳам қирқаверади. Фақат сопидан маҳкамроқ ушланг, тағин сирғалиб қўлдан чиқиб кетмасин-а!

Сотволди ака: Ҳали у, ҳали бу деб, мени кўпам чалғитаверма, ука. Сўз ўйинида сендан асло тап тортмайман. Сен пичоқни яхшисини яхши билмайсан. Мана менинг пичоғимни бир қўлингда ушлаб кўр, қўлингда қандоқ туради у. Шу пичоқни дами ўткир. Ўзи тоза пўлатдан бу пичоғим фақат сабзавотларгагина эмас, ҳатто гўштни суягини ҳам чопишга яраяпти, ука.

Маҳамаджон: Уста, пайров ҳам лофларга ўхшаб қоляпти. Ошпазларга айтганмидингиз, "тўғрайдиган"ларингни тез "тўғраб", "қирқадиган"ларини тезда "қирқиб" олинглар деб. Пичоғим керак деганмидингиз? Энди тушликка, ака. Мухлислар ҳам зерикиб қолишди. Нима кўп, сиздақа пойинтар сойинтар "аския"чилар кўп. А, лаббай?!

Оққа кўчирувчи:
Абдулла ТОЛИБ.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Ҳамза номли 44-ўрта мактаб томонидан 1982 йилда Қосимов Фарҳод Юсупжонович номига берилган Д № 013377-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "Тибет" Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Телефон: 47-46-93

Утерянный квадратный штамп № 3, выданный ЧФ "Восток-Бизнес-Консалтинг", специалисту Давыдовой Т. по декларированию грузов, считать недействительным.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Иқромжон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР:
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар:
Қабулхона - 133-09-93 (факс) 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 .

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган-8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.
Навбатчи: Р.ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 3108, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | 1 2 3 4 5 6.